

СЎЗ САНЪАТИ ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ

5 ЖИЛД, 5 СОН

МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА

ТОМ 5, НОМЕР 5

INTERNATIONAL JOURNAL OF WORD ART

VOLUME 5, ISSUE 5



СЎЗ САНЪАТИ ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ

МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА | INTERNATIONAL JOURNAL OF WORD ART

№5 (2022) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2022-5>

Бош муҳаррир:

Тўхтасинов Илҳом

п.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Бош муҳаррир ўринбосари:

Главный редактор:

Тўхтасинов Илҳом

д.п.н., профессор (Ўзбекистон)

Заместитель главного редактора:

Editor in Chief:

Tuhtasinov Ilhom

DSc. Professor (Uzbekistan)

Deputy Chief Editor

ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ

Назаров Бахтиёр

академик. (Ўзбекистон)

Якуб Умарўгли

ф.ф.д., профессор (Туркия)

Алмаз Улви Биннатова

ф.ф.д., профессор (Озарбайжон)

Бокиева Гуландом

ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Миннуллин Ким

ф.ф.д., профессор (Татаристон)

Махмудов Низомиддин

ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Керимов Исмаил

ф.ф.д., профессор (Россия)

Жўраев Маматкул

ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Куренов Рахиммамед

к.ф.н. (Туркменистон)

Кристофер Жеймс Форт

Мичиган университети (АҚШ)

Умархўжаев Мухтор

ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Мирзаев Ибодулло

ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Болтабоев Ҳамидулла

ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Дўстмухаммедов Хуршид

ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Лиходзиевский А.С.

ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Сиддикова Ирода

ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Шиукашвили Тамар

ф.ф.д. (Грузия)

Юсупов Ойбек

масъул котиб, доцент (Ўзбекистон)

РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ

Назаров Бахтиёр

академик. (Ўзбекистон)

Якуб Умар оглы

д.ф.н., профессор (Туркия)

Алмаз Улви Биннатова

д.ф.н., профессор (Азербайджан)

Бакиева Гуландом

д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

Миннуллин Ким

д.ф.н., профессор (Татарстан)

Махмудов Низомиддин

д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

Керимов Исмаил

д.ф.н., профессор (Россия)

Джўраев Маматкул

д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

Куренов Рахиммамед

к.ф.н. (Туркменистон)

Кристофер Жеймс Форт

Университет Мичигана (США)

Умархаджаев Мухтар

д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

Мирзаев Ибодулло

д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

Балтабоев Ҳамидулла

д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

Дўстмухаммедов Хуршид

д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

Лиходзиевский А.С.

д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

Сиддикова Ирода

д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

Шиукашвили Тамар

д.ф.н. (Грузия)

Юсупов Ойбек

отв. секретарь, доцент (Ўзбекистон)

EDITORIAL BOARD

Bakhtiyor Nazarov

academician. (Uzbekistan)

Yakub Umarogli

Doc. of philol. scien., prof. (Turkey)

Almaz Ulvi Binnatova

Doc. of philol. scien., prof. (Azerbaijan)

Bakieva Gulandom

Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Minnulin Kim

Doc. of philol. scien., prof. (Tatarstan)

Mahmudov Nizomiddin

Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Kerimov Ismail

Doc. of philol. scien., prof. (Russia)

Juraev Mamatkul

Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Kurenov Rakhimmamed

Ph.D. Ass. Prof. (Turkmenistan)

Christopher James Fort

University of Michigan (USA)

Umarkhodjaev Mukhtar

Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Mirzaev Ibdulla

Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Boltaboev Hamidulla

Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Dustmuhammedov Khurshid

Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Lixodzievsky A.S.

Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Siddiqova Iroda

Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Shiukashvili Tamar

Doc. of philol. scien. (Georgia)

Yusupov Oybek

Ass. prof. (Uzbekistan) - Senior Secretary

PageMaker | Верстка | Саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz

ООО Tadqiqot город Ташкент,

улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; E-mail: info@tadqiqot.uz

Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,


Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; E-mail: info@tadqiqot.uz

Phone: (+998-94) 404-0000

1. Джалилова Зарнигор Обидовна НУТҚ ҲАРАКАТЛАРИДА ХУШМУОМАЛАЛИКНИНГ ГЕНДЕР ХУСУСИЯТЛАРИ.....	5
2. Madiyor Fatilloev SHANOV UD-DIN ABU ABDULLOH YOQUT IBN ABDULLOH AL-HAMAVIY AR-RUMIY AL-BAG‘DODIY HAYOT VA IJOD YO‘LI.....	11
3. Бакаев Нажмиддин Бакаевич ОСНОВОПОЛАГАЮЩИЕ ХАРАКТЕРИСТИКИ ПРЕДМЕТА ЛАТИНСКОГО ЯЗЫКА В МЕЖДИСЦИПЛИНАРНОМ РАЗРЕЗЕ ПРЕПОДАВАНИЯ В ВУЗАХ.....	15
4. Davlatova Muhayyo Hasnovna NUTQ TUZILMALARI MAZMUNIDAGI SEMANTIKA VA PRAGMATIKANING MUNOSABATI.....	21
5. Наширова Шахноза Буриевна ХОРИЖИЙ ТИЛЛАРНИ ЎРГАТИШДА ИККИ ТИЛЛИ ЎҚУВ ЛУҒАТЛАРГА ЭҲТИЁЖНИНГ ОРТИШИ.....	26
6. Mirzayeva Aziza Shavkatovna ADABIYOTSHUNOSLIKDA INTERTEKSTUALLIK VA UNING ELEMENTLARIDAN BIRI IQTIBOS TUSHUNCHASI.....	34
7. Shapsanova Feruza Muzaffarovna PHILOSOPHICAL ASPECTS PRESENTED IN IRIS MURDOCH’S NOVEL “THE SANDCASTLE”.....	39
8. Normurodov Oybek Berdimurod o‘g‘li SAYYID QOSIMIY VA TASAVVUF.....	44
9. Begmatova Dilnoza Muxtarovna, Mamayoqubova Shahlo Oblaqulovna OLIY TA‘LIM MUASSASI O‘QITUVCHI KASSIYASINI ARTTIRISHNING PEDAGOGIK SHARTLARI.....	49
10. Даниёрова Барчиной Абсаттаровна XIX-XX АСР ФРАНЦУЗ АДАБИЙ ЭРТАКЛАРИ.....	55
11. Кулдашова Н. Б. ТИЛШУНОСЛИКДА ТЕРМИНОЛОГИЯНИНГ ТАЛҚИНИ.....	60
12. Мухиддинова Дилафруз Мансуровна ПАРАДОКС БАТЛЕРА О МАШИНАХ.....	66
13. Nargiza Amirqulova INGLIZ VA O‘ZBEK TILLARI FRAZELOGIYASIDA QO‘SHMA SO‘ZLARINING YASALISHI.....	71
14. Zubaydova Nilufar Nematillaevna SYNTACTIC LINKS CREATED BY PROFESSOR A.M. MUKHIN.....	77
15. Kushatova Nargiza Rustamovna H. G. UELLS VA OLDOS HAKLINING ILMIY FANTASTIKA JANRIGA QO‘SHGAN HISSASI VA UNING QISQACHA TAHLILI.....	83
16. Шохсанам Мухаммаджонова ТЕЛЕЖУРНАЛИСТИК МАТНЛАРНИНГ ПСИХОЛИНГВИСТИК ХУСУСИЯТЛАРИ.....	87
17. Ergashova Baxora Sayfillo qizi O‘ZBEK VA ITALYAN BOLALAR ADABIYOTIDA QAHRAMONLAR XARAКТERLARINING QIYOSIY TAHLIL METODI ASOSIDA YORITILISHI.(J.RODARI VA X.TO‘XTABOYEV IJODI ASOSIDA).....	93
18. Муротова Дилноза Хасан қизи УЗР СЎРАШ НУТҚИЙ АКТИНИНГ ТУРЛИ КОНЦЕПТОСФЕРАЛАРДА ИФОДАЛАНИШИ.....	97
19. Махаммадов Бобир Исан ўғли ИНГЛИЗ ТИЛИДАГИ АНДРОИД ОПЕРАЦИОН ТИЗИМИ МОБИЛЬ ИЛОВАЛАРИ (АОТМИ) ТЕРМИНЛАРИНИНГ СЕМАНТИК ХУСУСИЯТЛАРИ.....	102

20. Сабина Авазжоновна Махмудова Ж. ОЛДРИЖНИНГ «I DON’ T WANT HIM TO DIE» (“МЕН УНИНГ ЎЛИШНИ ХОҲЛАМАЙМАН”) РОМАНИДАГИ “ЎЗИНИКИ /БЕГОНА” КОНСЕПТУАЛ ҚАРАМА-ҚАРШИЛИГИНИ “БОШҚА – ЎЗИНИКИ – ДЎСТ” ТРИАДАСИГА АЙЛАНТИРИШ.....	108
21. Dalieva Madina Khabibullaevna THEORETICAL FEATURES OF POLYSEMY IN LINGUISTIC TEXTS.....	114
22. Кулиева Дилшода Алижон қизи “КОДЕКС КУМАНИКУС” ҚЎЛЁЗМАСИ ЎРГАНИЛИШ ТАРИХИ.....	121
23. Ашуров Мўмин Умаржонович КОГНИТИВ ТИЛШУНОСЛИК ЯНГИ ЙЎНАЛИШ СИФАТИДА ВА УНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ....	130
24. Ҳамраев Дилшод Ҳамдамович “ТАРКИБАДАХШОН” ДОСТОНИ СЮЖЕТИНИНГ ГЕНЕЗИСИ ВА БАДИЙ ЭВОЛЮЦИЯСИ.....	137
25. Mahkamova Shohida Rahmatullayevna TA’LIM JARAYONIDA INNOVATSION TEXNOLOGIYALAR VA KLASSTER TIZIMI.....	143
26. Қурбонов Бобур Чоршанбиевич “МАЖОЛИС УН-НАФОИС”НИНГ ДАРИЙ ТИЛИДАГИ ТАРЖИМАСИ ХУСУСИДА.....	147
27. Умед Караев ЭНГ ҚАДИМИЙ АДАБИЙ ЁДГОРЛИКЛАР АЙРИМ НАМУНАЛАРИ ҲАҚИДА.....	152
28. Пулатова Диёра Фарход кизи ФОРМИРОВАНИЕ И РАЗВИТИЕ АМЕРИКАНСКОЙ ПОЛИТИЧЕСКОЙ САТИРИЧЕСКОЙ ЛИТЕРАТУРЫ.....	160
29. Расулева Нигина Алишеровна ҒАРБ ВА ХИТОЙ АДАБИЁТИДА ИЛМИЙ ФАНТАСТИКА ЖАНРИ: ЎХШАШЛИК ВА МУШТАРАКЛИК.....	169
30. Астанова Гулнора Аминовна МИСР ҲИКОЯТЛАРИДА ШАРҚОНА МЕНТАЛИТЕТ.....	176
31. Абулкасимова Нодира Мирзакаримовна РОЛЬ ЭВФЕМИЗМОВ В РЕПРЕЗЕНТАЦИИ КОНЦЕПТА “WAR”.....	182
32. Саримсоков Сирожиддин Шойзоқович АСПЕКТУАЛ СЕМАНТИКАНИНГ ТАВСИФИ ХУСУСИДА.....	193
33. Хотамова Парвина Илхомовна ҚАРДОШ БЎЛМАГАН ТИЛЛАР ТИЗИМИДА СУБСТАНЦИАЛ ПОСЕССИВ ВА КВАЛИФИКАТИВ ПОСЕССИВ СИНТАКСЕМАЛАРНИ ФАРҚЛАШ УСУЛЛАРИ.....	199




INTERNATIONAL JOURNAL OF WORD ART

ISSN: 2181-9297

www.tadqiqot.uz

Кулиева Дилшода Алижон қизи,
Наманган давлат университети таянч докторанти
kulievadilshoda98@gmail.com

“КОДЕКС КУМАНИКУС” ҚЎЛЁЗМАСИ ЎРГАНИЛИШ ТАРИХИ

 <https://doi.org/10.5281/zenodo.7038229>

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақола қадимий туркий қўлёзма “Кодекс Куманикус”нинг ўрганилиши тарихини ўрганади. Ушбу қадимий туркий обида бугунги кунда Италиянинг Венеция шаҳрида Марчана миллий кутубхонасида сақланиб келинмоқда. Мақолада обида устида олиб борилган тадқиқотлар ўзаро қиёсланади. Натижа шуни кўрсатдики, шу пайтгача қўлёзма устида олиб борилган тадқиқотлар ичида венгриялик Г.Куун, француз олими Дримба, украиналик олим Гаркавец, турк олимлари М.Аргуншах ва Ғ.Гунерлар ишлари эътирофга сазовор ва қўплаб тадқиқотларга тўртки бўлган. Уларнинг ҳар бири қўлёзмани ўз она тилларига таржима қилишди. Ўзбек олимларидан Б.Жафаров ҳам қўлёзма устида баракали ижод қилган. Унинг биринчи қисмини ўзбек китобхонларига етказиш мақсадида ўзбек тилига таржима қилган. Мақолада шу ва бошқа олимларнинг тадқиқот ишлари кенг ёритилган.

Калит сўзлар: олмон қисми; италян қисми; факсимиль; Тана; Лигети; Петрарка Кодекс; “Таржимонлар китоби”; “Тарғибот китоби”; 47топишмоқлар; Куун;

Kulieva Dilshoda Alijon qizi
PhD student of Namangan State University
kulievadilshoda98@gmail.com

HISTORY OF THE STUDY OF THE "CODEX CUMANICUS" MANUSCRIPT

ANNOTATION

This article explores the history of the study of the ancient Turkic manuscript Codex Cumanicus. This ancient Turkish monument is preserved today in the Marchana National Library in Venice, Italy. The article compares the research conducted on the monument. The result showed that the works of Hungarian G. Kuun, French scientist Drimba, Ukrainian scientist Garkavets, Turkish scientists M. Argunshah and G. Guner have been recognized and motivated many studies. Each of them translated the manuscript into their native languages. B. Jafarov, one of the Uzbek scientists, also created a blessing on the manuscript. He translated the first part of it into Uzbek language in order to convey it to Uzbek readers. The research work of these and other scientists is widely covered in the article.

Key words: German part; Italian part; facsimile; Tana; Ligeti; Petrarch's Codex; "Book of translators"; "Missioners Book"; 47 riddles; Kuun;

Кулиева Дильшода Алиджон қизи,
Докторант Наманганского государственного университета
kulievadilshoda98@gmail.com

ИСТОРИЯ ИЗУЧЕНИЯ РУКОПИСИ "CODEX CUMANICUS"

АННОТАЦИЯ

В данной статье исследуется история изучения древнетюркской рукописи Codex Cumanicus. Этот древний турецкий памятник сегодня хранится в Национальной библиотеке Марчана в Венеции, Италия. В статье сравниваются исследования, проведенные на памятнике. Результат показал, что работы венгра Г. Кууна, французского ученого Дримба, украинского ученого Гаркавца, турецких ученых М. Аргуншаха и Г. Гунера получили признание и послужили мотивом для многих исследований. Каждый из них перевел рукопись на родной язык. Б. Джафаров, один из узбекских ученых, также создал благословение на рукопись. Первую часть он перевел на узбекский язык, чтобы донести до узбекских читателей. В статье широко освещается научно-исследовательская работа этих и других ученых.

Ключевые слова: немецкая часть; итальянская часть; факсимиле; Тана; Лигети; Кодекс Петрарки; «Книга переводчиков»; «Книга миссионеров»; 47 загадок; Куун;

Ўзбекистон бугунги кунда учинчи Ренессанс – Уйғониш даври остонасида турибди. Уйғониш даври учун мустаҳкам пойдевор яратиш аввало, аждодларимиз қолдирган бебаҳо тарихий, илмий ва маданий меросини ўрганишдан бошланади. Президентимизнинг маърифат ва илм-фанни ривожлантириш йўлида олиб бораётган сиёсатининг узвий давоми сифатида 2021 йил 12 ноябрда Туркий кенгаш саммити давомида туркий тилли халқларнинг дунё цивилизацияси ривожига қўшган бекиёс ҳиссаси ва ниҳоятда бой ёзма меросини биргаликда чуқур ўрганиш мақсадида “Туркий тилли давлатларнинг тарихий, илмий ва маданий меросини ўрганиш тадқиқот маркази”ни ташкил этиш таклифи муҳим одим бўлди десак муболаға бўлмайди. Таъкидланишича, Ўзбекистонда ҳам муштарак тарихимиз ва маданиятимизга оид 200 мингга яқин ноёб қўлёзмалар мавжуд. Шундай умумтуркий қўлёзмалар нафақат бизнинг юртимизда, балки, чет элларда ҳам сақланиб келинмоқда. Бундай обидаларни ўрганиш ва тадқиқини амалга ошириш маънавиятимизни юксалтириш, ёш авлодга аждодларимиз қолдирган бой меросни етказишга катта эътибор берилмоқда. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва чет мамлакатларда сақланаётган ноёб қўлёзмалар, маъданий, тарихий ёдгорликлар, хунармандчилик, халқ оғзаки ижоди намуналари, санъат ва бадий асарлар, театр-муסיқа, қадимий давлатчилик тарихига оид ҳужжатлар, қадимий чолғу асбобларини йиғиш, сақлаш билан шуғулланиш мақсадида "Олтин мерос" халқаро хайрия жамғармаси тузилгани ҳам фикримиз далилидир.

Аждодларимиз бой мероси бу улар қолдирган обида, қўлёзмалар, китоблар ичидаги пурмаъно ҳикматлар, бой тажрибалардир. Қўлёзма манбалар асосида тарихимиз, қадриятларимиз, адабиётимиз – маъданиятимиз илдизларини тадқиқ этиш асосий мақсадимиздир, зероки, Президентимиз Ш.М. Мирзиёев айтганларидек: “Агар жамият ҳаётининг танаси иқтисодиёт бўлса, унинг жони ва руҳи маънавиятдир. Биз янги Ўзбекистонни барпо этишга қарор қилган эканмиз, иккита мустаҳкам устунга таянамиз. Биринчиси – бозор тамойилларига асосланган кучли иқтисодиёт. Иккинчиси – аждодларимизнинг бой мероси ва миллий қадриятларга асосланган кучли маънавият”. Юсак маънавиятли шахсларни тарбиялаш ва келажак авлодни аждодларига муносиб издошлар бўлиб етишиши учун қадимий қўлёзмалар, китобларни топиб ўрганиш, улардаги бой хазинадан баҳраманд бўлишимиз зарурдир.

Қадимий туркий қўлёзма “Кодекс Куманикус” XIII аср охири ва XIV аср бошларига оид латин ёзувида ёзилган луғат ҳисобланади. Гарчи, ушбу ёдгорлик туркий халқлар муштарак ёдгорлиги ҳисоблансада, бугунги кунда асл нусха Венециядаги Марчана миллий

кутубхонасида DXLIX (№549) каталог рақами билан рўйхатга олинган ва №1597 хона рақами билан сақланади.

Қўлёзманинг асл номи «**In hoc libra continentur Persicum et Comanicum per alfabetum**» (“Алифбо тарзидаги форсча ва куманча китоб”) бўлишига қарамай, жаҳон илмий жамоатчилиги орасида бу асар «Кодекс куманикус» (“Куманлар кодекси”) деган ном билан ёйилган. Бунинг сабаби, қўлёзма қадимий қипчоқ тилига таржима қилинган диний мадхия ва дуолар, қипчоқ тилидаги 47 та топишмоқлар ва лотин, форс ва қипчоқ тилидаги уч тилли луғатни ўз ичига олади. Қипчоқлар лотин манбаларида *ситап*, *сотап* деб аталган. Шунинг учун, ушбу қўлёзamani Куманлар Кодекси дейишган. “Кодекс” сўзининг маъноси “муқоваланган қадимий қўлёзма” эканлигидан келиб чиқсак, уни “Куманларнинг муқоваланган қадимий қўлёзмаси” деб номласак ҳаммага бирдек тушунарли бўлади.

Қўлёзamani тадқиқ қилган олимлардан Геза Куун биринчи марта “Кодекс Куманикус” номи билан нашр эттирган. Унгача эса қўлёзма турли номлар билан атаб келинган. Қўлёзма яратилган вақтда у “**In hoc libro continentur Persicum et Comanicum per alfabetum**” (“Алифбо тарзидаги форсча ва куманча китоб”) деб аталган, Флиппи Томасини мазкур қўлёзamani Франческо Петрарка китоблари орасидан топганидан токи уни Венеция кутубхонаси хизматчиси Антонио Занетти томонидан 1741 йилда каталог рақами қўйилгунига қадар қарийб юз йил мобайнида “**Petrarka Codex**”(“Петрарка кодекси”), Юлиус Клаппрот тадқиқигача бўлган даврда “**Codex DXLIX in 4°, chartaceus, foliorum 82, Saeculi XIV. Lexicon latinum, persicum et comanicum. Initio legitur: MCCCIII. Die XI. Julii**” (“549 рақам билан рўйхатга олинган 1303 йил 11 июл санасида ёзилган, 4° ҳажмдаги, 82 қўлёзма саҳифадан иборат лотинча-форсча ва куманча луғат”), Клаппрот тадқиқидан то Куун тадқиқига қадар эса “**Vocabulaire latin, person et comande la bibliotheque de Francesco Petrarcha**” (Франческо Петрарка кутубхонасидаги лотинча-форсча ва куманча луғат”) номлари билан юритиб келинган.

Қўлёзма ҳақида дастлаб италиялик олим Якоби Флиппи Томасини маълумот берган. Унинг “Петрарка ҳаёти ва ижоди” деб номланган асарида Петрарка қолдирган адабий мерос орасида “алифбо тарзида ёзилган лотинча-форсча-куманча луғат” топганини ҳақида хабар беради. Флиппи Томасининг айтишича, мазкур қўлёзма 1362 йилда Италия уйғониш даврининг машҳур шоири Франческо Петрарка томонидан бошқа асарлар билан биргаликда Венеция кутубхонасига совға қилинган. У бу маълумотни муқаддас Георгий ибодатхонаси тарихини ёзувчилардан бири бўлган аббат Улмодан олган. Аслида ушбу китоб Франческо Петраркага умуман тегишли бўлмаган, лекин Венеция кутубхонасига Петрарка совға қилган китоб деб ишонишгани учун уни Петрарка қаламига мансуб деб ўйлашган. Ҳақиқатдан ҳам, Петрарка ўлиmidан аввал ўз китобларини Венеция кутубхонасига мерос қилиб қолдирган, аммо ўша пайтда Петрарка истиқомат қилган Падуа ва Венеция шаҳарлари ўртасидаги низолар туфайли бу китоблар ҳеч қачон Венецияга етиб келмаган. Лигети айтишича Гиорфий кўпгина изланишлар қилган ва қўлёзamani Петрарка Кодекси деб аталиши катта хато эканини пайқаган ва 1892 йилда буни нашр ҳам қилдирган, аммо бу турколоғлар томонидан умуман эътиборсиз қолдирилган. У Сан Марко кутубхонасидаги 17 та қўлёзamani ҳаммасини тасодифан ўрганади ва уларнинг ҳеч бири Петрарка қаламига мансуб эмаслигини айтади. Бунинг исботи ўлароқ Петрарка китоблари ва қўлёзма ёзилган материаллар умуман мос эмаслигини кўрсатади.

Қўлёзма икки мустақил қисмлардан иборат бўлиб, матннинг график ва лексик хусусиятларидан келиб чиқиб, улар “Италян” ва “Олмон” қисмлари деб аталган. Лигети биринчи қисмни “Таржимонлар китоби” иккинчи қисмни эса “Тарғибот китоби” деб номлаган.

Италянча қисм Италян кодекси деб ҳам аталади. Бу асарнинг биринчи қисмидир. Биринчи саҳифанинг дастлабки 5 қаторида *1303-йил 11-июл санасида ёзилган* деган жумла билан бошланади ва шундан кейин *Роббимиз Исо Масих ва унинг онаси Биби Марям барча муқаддас ва азиз авлиёлар номи билан Омин* деган жумла билан давом эттирилган. У 55 та варақдан ва 110 саҳифадан иборат бўлиб, саҳифалар 1а ва 1б шаклида рақамланган. Ушбу қисм уч тилли луғат (лотин, форс ва куман)шаклида тузилган. Олимлар халигача ушбу қисм ким

томонидан тузилгани тўғрисида тугал фикрга келмаган. Г.Куун қўлёзманинг биринчи “Итальянча қисми” генуяликлар томонидан ёзилган деган фикрни олға сурган. Братиану ва Дрюллар ҳам ушбу фикрни қўллаб-қуватлайдилар. Л.Лигети эса, қўлёзманинг биринчи қисмини тузувчилар венецияликлар эканлигини, шу сабабли ҳам ёдгорлик улар томонидан Венецияга олиб келинган деган фаразни олға суради. Б.Жафаров фикрига кўра эса қўлёзма муаллифлари Тана шахридан бўлган таржимонлардир. Улар нафақат куман тилини, балки форс ва лотин тилларини ҳам яхши билишган. Савдо сотиқ ишлари Тана шахридан бошлангани ва ушбу шаҳар таржимонларининг бу ишда бой тажрибаси борлиги луғат тузиш учун асос бўлган эҳтимол.

“Кодекс куманикус”нинг «Итальянча қисми» қачон ёзилгани тўғрисида ҳам турли фикрлар мавжуд. Г.Гиорффийга кўра 1330 йилда, В.Банг эса 1294–1295 йилларда, А.Самойлович, Л.Лигети ва В.Дримбалар 1294 йилда, С.Малов 1295–1296 йилларда, Л.Базин 1293–1294 йилда, Д.Мончизода 1325 йилда, Д.Дрюлл 1292–1295 йилларда, М.Аргуншаҳ ва Г.Гўнерлар 1291–1293 йилларда ёзилган. Албатта юқоридаги олимларнинг бу фикрлари шунчаки тахмин эмас, улар қўлёзма 36 б саҳифасидаги ой номлари асосида шундай фикрларга келишган, бироқ улар хаттотнинг аввал хато ёзиб, сўнг тўғрилаган қисмини эътибордан четда қолдиришган. Натижада шундай хилма-хиллик келиб чиққан. Ушбу ой номларини синчковлик билан ўрганган Б.Жафаров фикрига кўра 1303 йил ёзиш бошланган ва шунинг учун ҳам қўлёзманинг биринчи саҳифасига 1303 йил 11 июль санаси қўйилган ҳамда бу маълумотлар қўлёзмадаги ой номлари тақвими 1326 йилда ёзилган. Л.Лигети эса қўлёзма биринчи саҳифасидаги 1303 йил 11 июль санасини нусха кўчириш бошланган ёки тугатилган сана сифатида кўрсатади. Унинг фикрича бу нусха қаердалиги маълум эмас. Мавжуд қўлёзманинг асл нусхаси Марчана миллий кутубхонасида сақланаётганидан келиб чиқсак ва ушбу асл нусха юқоридаги сана билан бошланганлиги бизга Лигети фаразини ҳақиқатдан йироқ эканини кўрсатади. Шундай экан, қўлёзмадаги ой номларини синчковлик билан ўрганган Б.Жафаров фикрига қўйиламиз ва унинг бу борадаги тадқиқотини қўллаб қувватлаймиз. Қўлёзманинг иккинчи қисми эса, табиийки, биринчи қисмдан кейин ёзилган.

Қўлёзма биринчи қисми “Таржимонлар китоби” бўйича тадқиқот олиб борган олимлар унинг ёзилган жойи ҳақида турли фикрларни олға суришади. Уларга кўра бу манзил Солхат (эски Қрим) шаҳри (Д.Расовский, Г.Гиорффий, Д.Дрюл), Волга(Итил)дарёси яқини (У.Тавкул), Солхат (Эски Қрим) ёки Каффа (Феодосия) (америкалик олим П.Голден), Сарой шаҳри яқинидаги «Муқаддас Жон» черкови (Лигети), ёки Тана шаҳри (Б.Жафаров) бўлиши мумкин. «Немисча» қисми эса Дашти-Қипчоқда христиан динини маҳаллий халқ орасида тарқатиш мақсадида немис миссионерлари томонидан тузилган (тарихчи Григорев) деган фикрни мавжуд. Иккинчи қисмнинг ёзилган жойи ва мақсади бир қадар аниқ, аммо биринчи қисм ҳақида турли қарашлар борлигидан келиб чиқиб айтиш мумкинки, биринчи қисмнинг ёзилиши Жафаров айтганидек Тана шаҳрида бошланган ва бошқа шаҳарларда давом эттирилган. Шунинг учун ҳам унинг ёзилган жойи ҳақида турли фикрлар мавжуд.

Қўлёзманинг “Таржимонлар китоби” қисмидаги сўзларнинг миқдори ҳамда лексик-семантик хусусиятлари ҳақида манбаларда турлича фикрлар билдирилган. Жумладан, Муса Саланга кўра Кодекс куманикуснинг иккала луғат бўлимига тахминан 2680 та сўз киритилган. Улардан 200 таси форс ва куман тилларига таржима қилинмаган. Ўзбекистон Миллий Энциклопедиясида “Қипчоқ тилининг энг йирик ёдгорлиги – итальян ва немис монахлари томонидан тузилган ва фанда “Кодекс куманикус” деб ном олган, 2994 сўзли лотинча-форсча-кипчоқча луғат, “Янги аҳд”дан парчалар ҳамда дуолар таржимаси ва 50 та топишмоқдан иборат бўлган асардир. Википедия энциклопедиясида «Бу луғат 1560 та лотинча сўздан иборат бўлиб, унинг 1120 таси турли тематикага оид сўзлардан ташкил топган ва 200 га яқин лотинча сўзларнинг таржималари берилмаган» деган маълумотлар берилган. Б.Жафаровнинг олиб борган тадқиқот натижаларига кўра эса қўлёзмадаги сўзларнинг ҳақиқий сони қуйидагича: “биринчи қисми жами 7913 та сўздан ташкил топган бўлиб, улардан 2766 таси лотинча, 2472 таси форсча ва 2668 та куманча сўзлардан иборат. Бундан ташқари 6 та немисча ҳамда битта (30 а саҳифада) вертикал шаклда уйғур ёзувида ёзилган “битик” сўзлари ҳам мавжуд.

Шунингдек, кўлёманинг шу қисмида 6 та лотинча сўзнинг форсча ва куманча таржималари берилмаган бўлса, 301 та лотинча сўзнинг форсча ҳамда 283 та лотинча сўзнинг куманчага таржималари бўш қолдирилган. Ёдгорликнинг биринчи қисмидаги 58 та лотинча, 42 та форсча ҳамда 186 та куманча сўзлар кўлёммага кейинчалик бошқа дастхат билан киритилган”.

Италян қисми саҳифа юқори қисмида ёзилиш санаси ва дуодан кейин алифбо тарзидаги уч устунли луғат билан бошланади. Ушбу луғат 29а саҳифагача бўлиб, 30а саҳифадан турли мавзуларга оид сўзлар берилади. 30а саҳифадан 33а саҳифагача *равишлар*; 33 б саҳифадан 35б саҳифагача *от ва олмошлар* бўлими; 36а саҳифа *тўрт унсурга* оид сўзлар, кейинги саҳифада бешта сезгини ифодаловчи сўзлар; 37а саҳифада *вақтга оид сўзлар* ва зид маъноли сўзлар; 38а саҳифада *одамларнинг яхши ва ёмон фазилатларини тавсифловчи сўзлар*; 39б саҳифадан 40 а саҳифагача оддий отлар; 40б саҳифада *савдога оид сўзлар ва атторликка оид сўзлар*; 41а саҳифадан *ўсимлик номлари*; 42б саҳифадан *темирчиликка оид сўзлар, мўйналар, тикувчиликка оид сўзлар*; 43б саҳифадан *этикдўзлик, сартарошликка оид сўзлар*; 44а саҳифадан *касблар*; 45б саҳифадан *Давлат бошқарувига оид сўзлар*; 46а саҳифадан *Савдо-сотиққа оид сўзлар*; 47а саҳифадан *Қимматбаҳо тошлар*; 47б саҳифада *Инсон ва унинг аъзоларига оид сўзлар*; 49б саҳифада *Қариндошликка оид сўзлар, Ижобий хислатлар; салбий хислатлар*; 50б саҳифада *Жанг санъатига оид сўзлар, Уй анжомлари*; 51а -52а саҳифаларда *чеварчилик, қурилиш ашёларига оид сўзлар; Кийим-кечакка оид сўзлар; Йилқичиликка оид сўзлар, Турмуш анжомлари*; 52б саҳифада *Оиҳона анжомлари*; 53а- 54а саҳифаларда *Меваги дарахтларга оид сўзлар; резаворлар; хайвонлар номлари*; 54б саҳифада *зараркунандалар номлари*; 55а саҳифада *қушлар* номлари; 55б саҳифада *Кундалик фойдаланиладиган моллар* номларидан иборат.

Гарчи ушбу бўлим қипчоқ тилини ўрганувчилар учун тузилган ва савдо-сотиқ ишлари билан шуғулланувчи савдогарлар томонидан ишлатиш учун мўлжалланган бўлсада, сўзлар етарлича изоҳланмагани, тасодифий сўзлар жамланмасилиги туфайли мукаммал луғат деб бўлмайди.

Олмон қисми

Иккинчи қисм 27 саҳифадан иборат бўлиб, куман тилидаги христиан динига оид матнлар ва 47 та топишмоқни ўз ичига олади. Бу бўлим бошида куманча-лотинча ва куманча-немисча луғат бор; лекин бу бўлимдаги луғатлар худди биринчи бўлимдагидек тизимли эмас, балки тарқоқ, баъзи жойларда куман грамматикасининг тил қоида, кўшимчалар мавжуд. Лотин ёзуви транскрипсияси ва лотинча таржимаси йўқ матнлар берилган. Ушбу бўлимнинг характерли томони форсча таржима ёки луғатнинг йўқлиги. Форс тилининг киритилмаганига сабаб, асарнинг бу қисми куман тилида сўзлашувчи маҳаллий аҳоли орасида христиан динини тарқатиш мақсадида яратилганлиги учун ҳам форс тилига эҳтиёж сезилмаган.

Кўлёманинг иккинчи қисмига “Олмон Қисми” деб ном берилган. Кууннинг фикрича, бу икки асар битта асар эмас, балки алоҳида. Кейинчалик бу икки қисмдан иборат иккита алоҳида асар тўпланиб, бир асарга бирлаштирилди. Ҳақиқатдан ҳам кўлёманинг иккала қисми яратилиш мақсади, жойи ва вақти томонидан фарқ қилади. Демакки, бу асарлар кейинчалик бирлаштирилган бўлишига ҳеч шубҳа йўқ.

Обида бугунги кунга қадар кўплаб жаҳон туркологлари томонидан кенг қамровли тарзда ўрганиб келинмоқда. Томасини маълумотидан кейин орадан бирқанча вақт ўтиб олимлар кўлёмга устида тадқиқот олиб боришни бошладилар. 1768 йилда немис олими Вилгелм Лейбниц кўлёмани Венеция кутубхонасидан топишга муяссар бўлди. 1769 йилда эса, венгриялик тарихчи олим Даниел Корнидес Жозеф Телекининг котиби Венецияга ташрифи чоғида кўлёмани тадқиқ қилиб унинг дастлабки 22 саҳифасини кўчириб олади. Бу кўчириб олинган нусха тўғрисида Будапешт кутубхоначиси Жорж Прейга маълум қилишади. Шундай қилиб, Томасини туфайли немис шарқшунос олими Юлиус Клапрот ушбу асарни топишга ва унинг биринчи қисмини кўчириб олишга муяссар бўлади. Юлиус Клапрот мазкур тадқиқотни қарийб 4 йил ичида амалга оширди. У шарқ тилларини жуда яхши билган. Ўзининг таъкидлашича, кўлёмдаги форсча ва куманча сўзларнинг ўқилиши эмас, балки ундаги сўз бойлиги ҳамда Венеция кутубхонаси ходими жаноб Салви билан олиб борилган илмий

хамкорлиги мазкур тадқиқотни амалга ошириш учун асосий сабаблардан бири бўлган. Жаноб Салвининг саъй-ҳаракатлари ва бебаҳо хизматлари эвазига 1824 йил ноябрда мазкур қўлёзманинг номаълум хаттот томонидан қўчирилган нусхасини олишга муваффақ бўлди. 1828 йилда у қўлёзманинг биринчи қисми устида олиб борган тадқиқотини китоб ҳолатида нашр эттиради. Унда куманча устундаги сўзлар ёнига франсузча таржимасини ва шунингдек форсча ва куманча сўзларнинг араб ёзувидаги транслератсиясини ёзади.

Шундан сўнг, 1880 йилда венгер олими Гомес Геза Куун ушбу ёдгорлик устида иш олиб борди ва “Кодекс Куманикус” номи билан уни оммага тақдим этди. У биринчи марта қўлёзмага ушбу номни берган, унгача ушбу ёдгорлик юқорида айтиб ўтилганидек турли номлар билан атаб келинган. Кууннинг тадқиқоти бугунги кунгача жаҳон туркийшунослигида ўз илмий қийматини йўқотмаган, боиси китоб қўлёзманинг иккала қисмини қамраб олиши ва лотин тилда чоп қилингани билан ҳам аҳамиятли. Лигетининг маълумот беришича мана шу даврда Венгрияда хорижий тиллардаги китоблар нашр этиш қонун йўли билан таъқиқлаб қўйилган эди. Маълум бўлишича лотин тили хорижий тил ҳисобланмас экан. Асар 134 саҳифали кириш қисми, асарнинг иккала қисми матнининг транскрипсияси куманча-лотинча, форсча-лотинча (форсча шакли ҳам ёзилган), немисча-лотинча луғатлар ва исмлар рўйхати, асарга қўшимча ва тузатишлар қисмларидан иборат. Шунингдек, Куун эски туркийча сўзларнинг замонавий шакллари ҳам берган.

1881 йилда венгер олими П.Хунфалви қўлёзма тадқиқи ва унинг таркибидаги сўзларнинг маънолари ҳақида ўзининг “*Der kumanische oder Petrarka-Codex und die Kumanen*” номли мақоласини нашр эттирган. 1891 йилда Э.Теза қўлёзмадаги дуо ва мадҳияларни тадқиқига бағишланган “*Gli inni e le preghiere in lingua cumana: Revisione del codice Veneciano*” мақоласини илмий жамоатчилик ҳукмига хавола этди.

1884 йилда Радлов томонидан “О языке Куманов по поводу издания куманского словаря” номли асар нашр этирилди. Бу нашр қўлёзманинг фонетик ва фонологик тадқиқига бағишланган. Бундан ташқари ушбу нашрда Кодекс куманикусдаги унлилар гармонияси ва унинг ўзига хос жиҳатлари ёритилган эди. 1887 йилда “*Das türkische Sprachmaterial des Codex Cumanicus*” номли асарини чоп эттирди. Бу тадқиқот Кууннинг тадқиқотига суянган. Немис тилида нашр этилган ушбу асар 1)Куманча-немисча луғат, 2)Мустақил гаплар, 3) Куманча матнлар, қўшимча ва тузатишларни ичига олади.

Эстониялик Залеманнинг “*Zur Kritik des Codex Cumanicus*” номли мақоласи 1910 йилда, француз олими Салавилленинг “*Un manuscrit chrétien en dialecte turc, le Codex Cumanicus*” номли илмий иши эса 1911 йилда чоп этилди. Рус олими Самойлович “К истории и критике Codex Cumanicus” номли мақоласи билан 1924 йилда Россия Фанлар Академиясида маъруза қилди. Яна бир рус тарихчи олими Д.Рассовский ўзининг “О происхождении Codex Cumanicus” мавзусидаги илмий маърузаси 1929 йилда эса Прагада ўтказилган анжуманда билан иштирок этди.

1936 йилда Гренбек қўлёзманинг факсимиль нусхасини нашр этди. Унинг 1942 йилда нашр этган “*Komanisches Wörterbuch*” китоби асардаги куманча сўзлар луғатини ўз ичига олади.Тадқиқот бошида Кодекс Куманикусни товуш ва имло жиҳатидан баҳолаш ва диалектларни очиб бериш учун кириш қисми бор. Луғат бўлимида Куман сўзлари немис тилидаги таржимаси билан берилган. Муаллиф таъкидлашича тадқиқотнинг ягона камчилиги луғатга қўп маъноли сўзлар киритилмаган.

Венгер олими Г.Гиорффининг “*Autor du Codex Cumanicus*” номли мақоласи 1942 йилда, полшалик олим А.Зайончковскийнинг “*Dohistorii Kodeksu Kumańskiego: Termin «talašman»*” номли мақоласи 1950 йилда илм ахлига тақдим этилган.

1969 йилда эронлик Д.Мончизода томонидан “*Das Persische im Codex Cumanicus*” номли монография нашр этилди. Унинг асари қўлёзманинг биринчи қисмидаги форсча луғатни ўрганиш мақсадида ёзилган. У беш қисмдан иборат. Биринчи қисм форсча қисмнинг лингвистик хусусиятлари, келиб чиқиши ва мақсади ҳақида бўлса, иккинчи қисми Кодекснинг форсча луғат таркиби, учинчи қисм куманча устундаги форсча сўзларнинг арабча алфавит тартибида берилиши ва тўртинчи қисм қўшимча ва тушириб қолдирилган сўзлар ҳақида ва

нихоят бешинчи қисм барча форсча сўзларни араб ёзувида саҳифа рақами ва қаторини кўрсатган ҳолатда муҳокама қилади.

Орадан икки йил ўтиб калифорниялик олим А.Бодроглигети “The Persian Vocabulary of the Codex Cumanicus” монографиясини чоп эттирди. Бу асар ҳам бир неча қисмларга бўлиниб, улар кириш, форсча сўзлар орфографияси, фонологияси, морфологияси, синтаксис, лексикаси ва сўз қурилиши каби лингвистик томонларини тадқиқ қилган. Айтиш жоизки, юқоридаги иккала асар ҳам Италия қисмидаги форсча луғат ва унинг қай мақсадда, ким учун мўлжаллангани ҳақида кўпгина қимматли маълумотларни берган.

1973 йилда В.Дримба томонидан қўлёзма синтаксисига бағишланган асар оммага тақдим этилди. Дримба қўлёзмани синчковлик билан ўрганади, француз тилига таржима қилади.

1978 йил Куришжанов, Жубанов ва Белбўтаевлар “Kumanşa-Kazakşa Jiyilik Sözdik” асарини тақдим этишди. Ушбу тадқиқот асосан тўрт қисмдан иборат: қўлёзма ҳақида, келиб чиқиши; ишнинг очилиши ва кейинги тадқиқотлар; луғатда ишлатиладиган қисқартмалар ва тўрт саҳифали факсимил билан кириш қисми; 2940 сўздан иборат куманча-қозоқча луғат; куман тили луғатини ўз ичига олган.

1979 йилда немис олимаси Д.Дрюлл “Кодекс куманикуснинг яратилиши ва мазмуни» номли монографиясини нашр қилдирди. Мазкур монография “Кодекс куманикус”ни тарихий нуқтаи назардан тўлиқ ўрганилган дастлабки тадқиқот бўлди. Шу сабабли ҳам тадқиқот жаҳон туркийшунослигида ҳалигача ўз нуфузи ва мавқеини йўқотган эмас. Чунки у

қўлёзманинг яратилиш вақтига оид тарихий саналарни қўлёзмада берилган ой номлари билан солиштириш, унинг палеографик жиҳатларини тадқиқ қилиш билан биргаликда, қўлёзманинг иккинчи қисмидаги дастхатлар сонини аниқлаб, унинг яратилиши мобайнида иштирок этган хаттотлар сони

тўғрисидаги дастлабки фаразларни олға сурган. Ушбу монография Клет Коттанинг айни шу номдаги асари учун асос вазифасини ўтаган. “Der Codex Cumanicus: Entstehung und Bedeutung” номли тадқиқотда муаллиф асарнинг ёзилиш жойи, ёзилган санаси ва келиб чиқиши билан шуғулланади, қайта текширади. Ишни ўзи кўриб, мутахассисларга иш ҳақида гапириб берди. Қўлёзма қоғози ва сиёҳини тўлиқ кўриб чиқди.

1981 йилда Л.Лигети венгер олими бир аср аввал Г.Куун томонидан амалга оширилган тадқиқотни қайта нашр қилади ва унга инглиз тилидаги мукамал муққадима қўшади. Ушбу муқаддимада ўша пайтгача қўлёзма устида амалга оширилган барча тадқиқот ишлари ҳақида ҳам сўз боради.

1987 йилда Александр Гаркавец ўзининг “Кыпчакские языки: куманский и армяно-кыпчакский” номли асарини чоп эттирди. Иккита бобда икки ёзувни алоҳида муҳокама қилган. Уларнинг фонетикаси ва фонологияси, грамматикаси ҳақида сўз юритган.

1992 йилда “Куман шеvasи луғати” китоби нашрдан чиқди. Ушбу китоб 1942 йилда Гренбек нашр этган луғат асосида яратилган бўлиб, туркча таржимаси Усман Недим ва Камол Айтачлар томонидан таржима қилинган. Бу асарда Гренбекнинг кириш сўзи йўқ ва бошқа фарқли томонлари луғат маълумотларида ўз аксини топган.

2000 йилда Владимир Дримба томонидан “Codex Cumanicus” номли асар чоп этилади, буни француз тилидаги мукамал иш дейиш мумкин, боиси унда иккала қисмининг транслерацияси, “Эслатмалар” бобида бахсли мисолларнинг транскрипсиялари, семантик муаммоларга оид қўшимчалар ва бошқа туркий тиллар билан солиштиришлар ва ишнинг сўнгида факсимиль берилади.

Александр Гаркавец 2006 йилда “Codex Cumanicus: Половецкие молитвы, гимны и загадки XIII-XIV веков” номли китобида қўлёзманинг иккинчи қисмидаги дуо, мадхия ва топишмоқларни рус тилига таржима қилади. Ушбу контент Гаркавецнинг 2007 йилда нашр қилинган “Қипчоқ ёзма ёдгорликлари” асаридан ҳам ўрин олган.

2015 йилда турк олимлари Мустафа Аргуншах ва Ғолиб Гунерлар “Codex Cumanicus” деб номланган китоб нашр эттиришди. Ушбу ишнинг таркиби кириш, грамматик таҳлил, матн

бўлими ва ишнинг факсимильасидан иборат, аммо бу факсимиль нусха Гаркавец тадқиқидан олингани учун қўлёзма матни оқ-қора тасвирда ва у қадар сифатли эмас.

2015 йилда Александр Гаркавец яна бир тўрт жилдлик асарни тақдим этди. “Содекс Суманикус – Полное Издание (Половецкие Молитвы, Гимны и Загадки XIII-XIV веков; Цветно Факсимиле и Построшная Транслитерация; Построчная Транскрипция и Пословный Перевод; Латинский, Персидский, Куманский и Немецкий Словари)” деб номланган ушбу асар қўлёзманинг рус тилидаги тўлиқ тадқиқоти ва таржимасидир.

Қўлёзма тадқиқи юзасидан нафақат китоблар, балки бир қатор докторлик ишлари ҳам амалга оширилган. Жумладан, 1920 йилда татаристонлик олим Бекир Чўпонзода «Кодекс куманикусадаги унлилар гармониясининг бузилиши» номли докторлик диссертациясини Будапешт университетида ҳимоя қилган бўлса, 1956 йилда қозоғистонлик олим А.Қуришжонов «Кодекс куманикус тилидаги келишиқ қўшимчаларининг шакл ва мазмуни» номли номзодлик диссертациясини ҳамда 1973 йилда «XIII–XIV асрдаги қадимий қипчоқ тили ёзма обидалари» номли докторлик диссертацияни, яна бир татаристонлик олим А.Чеченов 1979 йилда «Кодекс куманикус ва унинг ғарбий қипчоқ тиллари билан алоқаси» номли номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди. Бундан ташқари қўплаб мақолалар элон қилинди. Буларнинг ичида энг нуфузлилари дея 1959 йилда А.Габайн «Кодекс куманикус тили», 1960 йилда қозоғистонлик олим А.Қуришжоновнинг «Қуманча топишмоқларни ўрганиш», 1985 йилда Я.Дашкевичнинг «Кодекс куманикус ҳақидаги саволлар», 1944 - Саадет Чигатой, “Кодекс куманикус луғатининг нашр этилиши”, 1991 - Аннамери вон Габаин “Қуман адабиёти”, 1992 - Алдо Галотта, “Кодекс куманикуснинг яна бир нусхаси”, 1998 - Мефкуре Моллова, “Кодекс куманикуснинг туркий график фонетик муаммолари”, 2005 - Истван Васарй, “Қора денгиз минтақасида Кодекс куманикусадаги шарқ тиллари форс ва куман тилларининг лингуа франка сифатида (13-14 асрларда), 2013 - Акартурк Караҳан, “Кодекс куманикусада хайвон номлари” номли мақолаларини эътироф этиш мумкин.

Жаҳон туркийшунослари томонидан яна қўплаб мақолалар ёзилган ва докторлик ишлари амалга ошириб келинмоқда. Лекин Геза Куун амалга оширган тадқиқот бугунги кунгача ўз аҳамиятини йўқотмаган, балки қўплаб бошқа тадқиқотлар учун туртки бўлиб келган. Асарни француз тилига тўлиқ таржима қилган Дримба эса Куундан кейин шундай мукамал иш олиб борган. Унинг бу тадқиқотлари туфайли асар француз китобхонларига тўлиқ етиб борди. Украиналик Гаркавец ҳам қўлёзма иккала қисми устида тадқиқотлар олиб бориб, тўрт жилдлик улкан асар ёзди. У иккала қисмни ҳам рус тилига тўлиқ таржима қилди. Асарни тўлиқ турк тилига таржима қилган М.Аргуншах ва Ғ.Гунерлар эса турк тилидаги Кодекс куманикусни яратишди.

Мустақил ватанимизда ҳам ушбу қўлёзма устида бир қатор ишлар бошланган. Бунга мисол қилиб М.Жўраеванинг Туркиянинг нуфузли журналларидан бирида нашр қилган “Kodeks Kumanikus”ta bilmecele ve Özbek folkloründeki şekilleri” ҳамда Ш.Абдиназимовнинг «Кодекс Куманикус» естелиги ҳам оның қарақалпақ тилине қатнасы аникус» номли мақолаларини олишимиз мумкин. Бундан ташқари, устоз Ботир Жафаров томонидан ушбу қўлёзма устида кенг изланишлар олиб борилган ва “Кодекс Куманикус”–туркий халқлар ёзма обидаси” номли Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертациясини ҳимоя қилди ва “Кодекс Куманикус”–қадимий туркий обида” номли монографиялар нашр этилди. Диссертацияда қўлёзма ва унинг таркибий қисмлари ўрганилиб, иккинчи қисмдаги баъзи матн ва топишмоқларнинг ўзбек тилидаги шакли яратилган. Монографияда эса қўлёзманинг Италия бўлимидаги уч устунли луғатнинг транскрипсияси, ўзбек тилидаги таржимаси ва Италия қисмининг факсимиль нусхаси берилган. Шунингдек, бир қатор мақолалари ҳам ушбу изланишларнинг самарали натижаси ўлароқ юртимиз ва чет эл нуфузли журналларида чоп этилган.

Қўлёзма туркий халқларнинг муштарак ёдгорлиги ҳисобланади. Шундай экан, уни ўрганиш ва бугунги ва келажак авлодга етказиш асосий вазифаларимиздан биридир. Гувоҳи бўлганимиздек, ҳозирги кунгача Европа ва Туркияда уни ўрганиш бўйича қўплаб тадқиқотлар амалга оширилган, аммо бизда қилиниши керак бўлган ишлар хали талайгина.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати (References)

1. Абдиназимов Ш. «Кодекс Куманикус» естелиги ҳам оның қарақалпақ тилине қатнасы» // Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти. Фан ва Жамият илмий-услубий журнали. – Нукус, 2014. – 30-33 бетлар
2. Гаркавец А.Н. Кыпчакские языки: куманский и армяно-кыпчакский. – Алма-Ата: Наука, 1987. – 113 с.
3. Гаркавец А.Н. Codex Cumanicus: Половецкие молитвы, гимны и загадки XIII-XIV веков. – Москва: Рус. деревня, 2006. – 89 с.
4. Гаркавец А.Н. Codex Cumanicus – Полное Издание (Половецкие Молитвы, Гимны и Загадки XIII-XIV веков; Цветно Факсимиле и Построжная Транслитерация; Построжная Транскрипция и Пословный Перевод; Латинский, Персидский, Куманский и Немецкий Словари), 2015 Баур, Алматы.
5. Жафаров Б. “Кодекс Куманикус”–туркий халқлар ёзма обидаси: Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс. –Т, 2017. -20бет
6. Жафаров Б. “Кодекс Куманикус”–қадимий туркий обида. Тошкент.: “BAYOZ”, 2017. – 247 б.
7. Расовский Д.А. О происхождении Codex Cumanicus // Seminarium Condacovianum. – Praha, 1929, t. III
8. Самойлович А.Н. К истории и критике Codex Cumanicus / Докл. Рос. Акад. наук. 1924. – 86-89 с.
9. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти. – Тошкент. 2005.
10. Argunşah M., Güner G. Codex Cumanicus. – Istanbul, 2015. – 1038 s.
11. Bodrogligeti, The Persian Vocabulary of the Codex Cumanicus, Budapest 1971
12. Curayeva M. “Kodeks Kumanikus” ta bilmecele ve Özbek folkloründeki şekilleri. Türk Dünyas İncelemeleri Dergisi / Journal of Turkish World Studies, XI/1 (Yaz 2011), – 25-32 s.
13. Davoud Monchi-zadeh, Das Persische im Codex Cumanicus, Uppsala 1969
14. Györfy G. Autor du Codex Cumanicus // Analecta Orientalia memoriae Alexandri Csoma de Körös dedicata. – Budapest, 1942. – T. 1. – 3-30 p.
15. Klet Kotta. Der Codex Cumanicus: Entstehung und Bedeutung (Geschichte und Gesellschaft), 1980
16. Kuun G. Codex Cumanicus bibliothecae ad templum Divi Marci Venetiarum. – Budapestini: EDITIO SCIENT. ACADEMIAE HUNG., 1880. –398 p
17. Kurişjanov A K, Jubanov A K, Belbotayev A, B Kumanşa-Kazakşa Jiyilik Sözdik.K.1978
18. Kaare Grønbech. Komanisches Wörterbuch, Türkischer Wortindex zu Codex Cumanicus. Kopenhagen-1942
19. Kaare Grønbech. Komanisches Wörterbuch, Türkischer Wortindex zu Codex Cumanicus. Kopenhagen-1942
20. Ligeti, L. (1984). Prolegomena to the Codex Cumanicus. Acta Orientalia Academiae Scientiarum Hungaricae, 1-54.
21. Musa Salan. Codex Cumanicus ve Ermeni Harfli Kıpçak Türkçesinde Fiil Yapımı. Doktora tezi. Temmuz. -2016
22. Radloff W. Das türkische Sprachmaterial des Codex Cumanicus. - SPb., 1887
23. Salemann C. Zur Kritik des Codex Cumanicus // Изв. Акад. наук. 1910. –942-957 с.
24. Salaville S. Un manuscrit chrétien en dialecte turc, le Codex Cumanicus // Echos d'Orient. – 1911. – T. 14. 278-286
25. Zajączkowski A. Dohistorii Kodeksu Kumańskiego: Termin «talaşman» // Sprawozd. Pol. Akad. Um. – 1950. – T.50, z.8. – 120-125 s.
26. https://ru.wikipedia.org/wiki/Кодекс_куманикус.

СЎЗ САНЪАТИ ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ

5 ЖИЛД, 5 СОН

МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА

ТОМ 5, НОМЕР 5

INTERNATIONAL JOURNAL OF WORD ART

VOLUME 5, ISSUE 5

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; E-mail: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; E-mail: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000